

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2022 йил май ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди, ўз биносида очиқ суд мажлисида раислик қилувчи судья С.Расулов, судья ёрдамчиси Ш.Холматовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Андижон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ё.Сиддиков, судланувчи А.Қнинг ҳимоячиси А.Рузихоновнинг иштирокида, жабрланувчиларнинг қонуний вакиллари С.Х, С.Т, фуқаровий даъвогар А.Т ва К.Ининг қатнашувида, А.Қга оид 1-1701-2204/363-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Қ.А.Х 19** йил ** январда Андижон туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта, хайдовчи, оилали, 2 нафар фарзанди бор, Андижон тумани, **** МФЙ, **** кўчаси, **-уй, **-хонадонда яшайди, судланмаган, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 15 апрель куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчиларнинг қонуний вакиллари, фуқаровий даъвогарлар ва гувоҳни кўрсатувларини эшитиб, тарафларни фикрини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни,

а н и қ л а д и

Судланувчи А.Қ 2022 йил 6 март куни соат 14 ларда бошқарувидаги 60***** белгили “Дамас” автомашинасида Андижон шаҳар Деҳқонобод МФЙ ўраמידан ўтган **** кўчаси бўйлаб, **** кўчаси йўналишида ҳаракатланиб кетаётган вақтда, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларининг 1-боб 3-бандида «Йўл ҳаракати қатнашчилари “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, ушбу қоидаларни ва унда келтирилган светафор ишоралари, йўл белгилари, йўл чизиқларининг талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек уларга берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шарт» деб, 11-боб 77-бандида «Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариш керак. Тезлик хайдовчига ушбу қоидалар талабларини бажариш учун транспорт



воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳаракатланиш вақтида хайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган холда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак» деб, 102-бандида “Светофорнинг рухсат этувчи ишорасида чорраҳага кирган хайдовчи, ундан чиқишдаги светофор ишорасидан қатъи назар, белгиланган йўналишда ҳаракатини давом эттириши керак. Бироқ чорраҳада хайдовчининг ҳаракатланаётган йўлида жойлашган светофорлар олдида тўхташ чизиқлари бўлса, у ҳар бир светофор ишорасига амал қилиши шарт” деб кўрсатилган талабларини кўпол равишда бузиб, шу кўчанинг ***** кўчаси билан кесишган чорраҳасида асосий йўлга қўшимча йўлакдан ҳаракатланиб чиқаётган М.И бошқарувидаги 60 **** белгили “Нексия-3” автомашина билан тўқнашув содир этиши натижасида, ўзининг бошқарувидаги “Дамас” русумли автомашинада йўловчи сифатида ҳаракатланиб кетаётган вояга етмаган йўловчилар С.Шга иш бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертизанинг 16.03.2022 йилги 1368-сонли хулосасига кўра оғир тан жароҳати, вояга етмаган У.Хга иш бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертизанинг 16.03.2022 йилги 1369-сонли хулосасига кўра ўртача оғир тан жароҳати, вояга етмаган К.Хга иш бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертизанинг 16.03.2022 йилги 1370-сонли хулосасига кўра енгил тан жароҳатлари етказилишига, шунингдек ўзининг бошқарувидаги, А.Тга тегишли “Дамас” автомашинасига иш бўйича ўтказилган судга оид баҳолаш экспертизасининг 03-142-сонли хулосасига кўра, 9.011.100 сўм қийматидаги, М.Ининг бошқарувидаги “Барака гўшт харид савдо” МЧЖ балансида бўлган “Нексия-3” русумли давлат рақами 60*** бўлган автомашинага иш бўйича ўтказилган судга оид баҳолаш экспертизасининг 03-234-сонли хулосасига кўра, 16.008.990 сўм қийматидаги техник шикаст етказилишига сабабчи бўлиб, йўл транспорт ҳодисаси содир этган.

Судланувчи А.Қ судда айбига тўлиқ иқроп бўлиб 2022 йил 6 март куни бошқарувидаги “Дамас” русумли 60 **** белгили автомашинасида Андижон шаҳар Деҳқонобод МФЙ ўраמידан ўтган **** кўчаси бўйлаб, **** кўчаси йўналишида ҳаракатланиб кетаётган вақтда шу кўчанинг ***** кўчаси билан кесишган чорраҳасида асосий йўлга қўшимча йўлакдан ҳаракатланиб чиқаётган М.Ининг бошқарувидаги “Нексия-3” русумли давлат рақами 60 *** бўлган автомашинани уриб юборгани, светофорнинг тақиқловчи чироғи ёнгунига қадар ўтиб кетишига ишониб ҳаракатланиши натижасида эҳтиётсизлик қилиб тўқнашув содир этгани, автомашинасида бўлган вога етмаган йўловчилар тан жароҳати олишгани, шунингдек йўл транспорт ҳодисаси натижасида ҳар иккала машиналарга шикаст етгани, жабрланганларнинг оила аъзоларидан кечирим сўрашини, эҳтиётсизлик оқибатида шу ишни қилиб қўйгани, ўзининг уйи йўқлиги



ва ижарада оиласи билан яшаб келиши, асосий тирикчилик манбайи транспорт воситасидан бўлгани, фуқаровий даъвогарларга етказилган зарарларни имкони қадар тўлаб беришга ҳаракат қилиши, бироқ хозорда бунга маблағи етарли эмаслигини билдириб ўзига нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб кўрсатув берганидан ташқари, унинг содир этган жиноий ҳаракати судда текширилган далиллар, жумладан:

Жабрланувчи вояга етмаган У.Х ва К.Хларнинг қонуний вакили С.Хнинг судда 2022 йил 6 март куни вояга етмаган фарзандлари У.Х ва К.Хлар мактабдаги биринчи ўқитувчисини кўриб йўловчи Дамас автомашинада уйга қайтишаётганида йўл транспорт ходисасига учраганидан хабар топгач шифохонага боргани, йўл транспорт ходисасини содир этган кейин таниган хозирда судланувчи А.Қ ҳам терговчи ҳам улардан хабар олмагач ўзи уларни қидириб топгани, унга хайдовчи бирор мартаба келиб хатто кечирим ҳам сўрамагани, келгусида бундай ҳолатлар такрорланмаслиги учун хайдовчига нисбатан қонуний чора кўришни ва уни транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бутунлай маҳрум қилишни, лекин судланувчига ҳеч қандай моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини билдириб берган кўрсатув билан;

Жабрланувчи С.Шнинг қонуний вакили С.Тнинг судда 2022 йил 6 март куни фарзанди С.Ш хозирда судланувчи А.Қга тегишли Дамас автомашинасида кетаётганида йўл транспорт ходисасига учраганидан хабар топгани, судланувчи улардан кечирим сўрамагани, судланувчига нисбатан қонуний чора кўриб беришни, лекин судланувчига ҳеч қандай моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини билдириб берган кўрсатув билан;

Фуқаровий даъвогар А.Тнинг судда ўзига тегишли бўлган Дамас русумли автомашинасини қонуний тартибда хозирда судланувчи А.Қга ижара шартномаси асосида берганлигини, 2022 йил 6 март куни ўзига тегишли Дамас автомашинасида А.Қ йўл транспорт ходисасини содир этганлигини эшитиб бориб автомашинани кўрганида ҳақиқатдан ҳам техник шикаст етганлигини билгани, судланувчидан ўзининг машинасига етказилган зарарни ундириб беришни сўраб берган кўрсатуви билан;

Фуқаровий даъвогар К.Ининг судда, ўзига тегишли бўлган Нексия-3 русумли автомашинасини М.Ига сотганидан кейин унга сотиш ҳуқуқи билан ишончнома расмийлаштириб берганини, 2022 йил 6 март куни М.И ушбу автомашинада йўл транспорт ходисасига учраганидан хабар топгач автомашинанинг ҳужжат бўйича эгаси бўлгани сабабли терговга чақиртирилгани, судланувчидан автомашинага етказилган зарарни ундириб беришни сўраб берган кўрсатуви билан;

Гувоҳ М.Ининг судда, 2022 йил 6 март куни бошқарувидаги Нексия-3 русумли автомашинада Андижон шаҳридаги **** кўчаси билан кесишган чорраҳада асосий йўлга қўшимча йўлакдан ҳаракатланиб



чиқаётган вақтида хозирда судланувчи А.Қ бошқарувидаги Дамас русумли автомашинасида светофорнинг таъқиқловчи қизил чироғидан ўтиб келиб тўқнашув содир этгани натижасида бошқарувидаги автомашинага зарар етгани ва ушбу зарарни судланувчидан ундириб беришни сўраб берган кўрсатуви билан;

Юқоридагилардан ташқари, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, схема ва фотоилова билан, иш бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг хулосалари билан, судга оид транспорт баҳолаш экспертизасининг хулосалари билан, суд мажлисида кўздан кечирилган ходиса содир бўлган вақтда ёзиб олинган видеоёзув билан ва суриштирув-тергов даврида тўпланган бошқа ёзма далиллар мажмуи билан ҳам судланувчини айби тўла ўз исбот ва тасдиғини топади.

Суд, судланувчи А.Қнинг ижтимоий хавфли қилмиши масаласи квалификациясини муҳокама қилиб унинг ҳаракатларида транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиши баданга ўртача оғир ва оғир шикаст етказилишига сабабчи бўлиш жиноят аломатлари ўз тасдиғини топгани сабабли унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, А.Қга жазо тайинлашда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, муқаддам судланмагани, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унга ўзи айбланаётган модда бўйича қонун санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, шунингдек ЖКнинг 45-моддасини қўллаб муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини қўшимча жазо тариқасида тайинлашни;

Судланувчи А.Қдан жиноят оқибатида етказилган 9.011.100 сўм моддий зарарни фуқаровий даъвогар А.Т фойдасига, 16.008.990 сўм моддий зарарни фуқаровий даъвогар К.И фойдасига ундиришни белгилашни;

Жабрланувчиларнинг қонуний вакиллари жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундиришдан воз кечганини инобатга олишни;

Ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона ДВД дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни белгилашни лозим топади.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460-463, 465-468, 471,473-моддаларига асосан

ҲУКМ ҚИЛАДИ

Қ.А.Х Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

А.Қга ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб 3 (уч) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш муайян ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ҳар ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат



даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси жазоларни ижро этиш инспекцияси белгилаб берадиган корхона, муассаса ва ташкилотда ўтатирилиб, жазони ижро этиш Андижон туман ИИБ зиммасига юклатилсин ва жазо муддати жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси алоҳида ижро этирилиб жазони ижро этиш Андижон туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

А.Қга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекори қилинсин.

Судланувчи А.Қдан жиноят оқибатида етказилган 9.011.100 сўм моддий зарар фуқаровий даъвогар А.Т фойдасига, жиноят оқибатида етказилган 16.008.990 сўм моддий зарар фуқаровий даъвогар К.И фойдасига ундирилсин.

Жабрланувчиларнинг қонуний вакиллари жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундиришдан воз кечгани инобатга олинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона ДВД диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи, қонуний вакил ва фуқаровий даъвогарлар эса ҳукм нухасини олган кундан бошлаб, 20 сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

С.Расулов

